

## СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРИДА СУД-КИМЁ ЛАБОРАНТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Рисқобаева Нодира Зухриддиновна**

*Республика суд-тиббий экспертиза илмий- амалий маркази*

*Тошкент вилоят филиали*

*E-mail: [Toshvilsteb@mail.ru](mailto:Toshvilsteb@mail.ru) тел: 99-033-82-87*

Суд кимёвий таҳлили – мураккаб ва аниқликни талаб қиладиган жараён бўлиб, унда лаборантлар муҳим рол ўйнайди. Лаборантлар суд-кимёвий таҳлилнинг барча босқичларида иштирок этиб, ишончли ва аниқ натижалар олинишини таъминлайдилар. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

**Текшириш объектларини қабул қилиш:** Лаборантлар суд-тиббий экспертиза текширувига келган объектларни қабул қилиб олишда стандарт бўйича олинган ёки олинмаганлигига, унинг қадокланишига, махсус идишларга жойланганлиги, ушбу махсус идишларнинг герметик ёпилганлиги ва ушбу ашёвий далиллар тўғрисида маълумотлар ёзилган ёрлик тўғри ёзилганлигига эътибор беришлари керак.

**Эксперт текшируви учун намуналарни тайёрлаш:** Келтирилган объектлардан намуналар тайёрлаш асосан экстракция усулларига асосланган. Экстракция усулининг ҳар бир босқичини тўғри амалга ошириши, ундаги экстракция рН-муҳити, реактивларни тўғри танлаб, мўътадил шароит яратишга эътибор берилиши керак. Ушбу босқичларда хатоликка йўл қўйилса, эксперт текширувида чалғитувчи натижалар олинишига олиб келинади.

**Эксперт текшируви учун керакли реактивларни тайёрлаш:** Лаборант таҳлил учун реактивларни маълум концентрацияга келтиришда ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориши, ҳар бир кимёвий моддаларни эрувчанлик коэффиценти, эриш ҳароратини инобатга олган ҳолда тайёрлаши керак.

**Асбоб-ускуналардан фойдаланиш:** Лабораториядаги турли хил асбоб-ускуналар(центрифугалар, вортес аралаштиргичлар, курутгичлар, термостатлар ва бошқалар)дан тўғри фойдаланишни билиши ва лаборатор идишларидан ҳам мақсадли фойдаланиши, шиша идишларни авайлаб-асраб синдирмасдан ишлатишлари лозим.

**Маълумотларни қайд этиш:** Эксперт текширувидан сўнг, суд-кимё экспертиза хулосаси ва далолатномасида, текширув ўтказиш бошланганидан то тугатилганига қадар бўлган барча маълумотларни ёзиши, граматик ва орфографик хатоларга йўл қўймаслиги лозим.

**Ҳисоботлар тайёрлаш:** Лаборант бўлимда бажарилаётган ишлар бўйича хафталик, ойлик ва чорақдаги ҳисоботларни тайёрлайди ва экспертга тақдим

этади.

**Лабораторияда ишлаш вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиши:**

Биологик объектлар билан ишлашда лаборант махсус оқ халат, тиббий ниқоб, тиббиёт қўлқопи ва махсус оёқ кийимларда ишлаши лозим. Устки кийимига ёки танасини бирон қисмига қон ёки турлли хил реактивлар тўкилиб кетган ҳолатларда қонни зарарсизлантириш қоидаларини амалга ошириши, реактив, кислота ва ишқорлар билан ишлаш тартибини билиши зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, суд кимёвий таҳлилида лаборантларнинг ўрни беқиёсдир. Улар дастлабки таҳлил жараёнини амалга оширадилар ва бу орқали кейинги эксперт текширувларида пойдевор яратадилар. Лаборантларнинг касбий маҳоратининг юқори бўлиши экспертиза ва текширувларнинг аниқлиги ва ишончлилигини оширади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. “Токсикологик кимё” Л.Т.Икромов, Т.Мирхайтов, М.А.Тожиев, З.А.Юлдашев, Тошкент “Эхтримум ПРЕСС”, 2010
2. Суд-тиббий экспертиза ва текширувини ўтказиш стандартлари.
3. Суд-кимё лаборантининг лавозим йўриқномаси